

Осиё тарекқиёт банки кредити ҳисобига келтирилган мазкур дастхоналарда барча турдаги кийим-кечакларни тикиш мумкин. Коллеж маъмурияти ўқувчилар ушбу машиналарда ишлашни тўла ўзлаштириб олгач, трикотаж матолардан болалар либослари, мактаб формалари, спорт кийимлари тикиб бериш учун муассаса ва корхоналар билан шартномалар тузишни мўлжаллапти.

Вилоятдаги касб-хунар коллежларини замонавий ўқув ва ишлаб чиқариш жиҳозлари билан таъминлашга катта эътибор берилмапти. Бу борада хориз банкларнинг узок мuddати имтиёзли кредитларидан ҳам самарали фойдаланилмоқда. Айти пайтада вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармасига қарашли ўндан зиёд коллеж шу тарика турли ўқув жиҳозлари, қишлоқ ҳўжалик техникалари билан таъминланди.

(ЎЗА)

ИШОНСД

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 25 ноябр, жума № 188 (2029)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

РОССИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНING ТАШРИФИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Россия Федерацияси Федерал йигини Федерация кенгашининг МДХ масалалари бўйича кўмитаси раиси В.Густов раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг ўринбосари Ф.Муҳитдинова билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда изчил ривожланиб ва юксалиб бораётгани, икки

давлат раҳбарларининг яқинда Москва шаҳрида ўтган учрашуви чоғида имзоланган ҳужжатлар бунда муҳим асос бўлиб хизмат қилаётгани

алоҳида таъкидланди.

Томонлар, шунингдек, парламентларо алоқаларни янги босқичга кўтариш учун барча имкониятлар мавжудлигини қайд этиб, истиқболда мазкур йўналишдаги ҳамкорликни янада фаоллаштиришга келишиб олдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари

М.Сафоева билан учрашувда парламентларо муносабатларнинг бугунги аҳоли ва истиқболлари юзасидан фикр алмашилди. Меҳмонлар Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик жараёнлар, икки палатали парламент фаолияти билан танишдилар.

(ЎЗА)

Конституциямиз ҳаётимиз Бош Қомуси

Мустақиллигимиз пойдевори, истиқболимиз рамзи - Конституциямизда энг олий қадрият сифатида инсон, унинг ҳаёти, қадр-қиммати асос қилиб олинган. Бош Қомус мукaddимасидайк инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети гоёларига солиқлик, демократия ва ижтимоий адолатлик сadoкат алоҳида эътироф этилган. Шу билан бирга фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва бурчлари белгилаб берилган. Жумладан, ҳар бир шахснинг яшashi, мулкдор бўлиши, меҳнат қилиши, эркин касб танлаши, адолатли меҳнат шaroитларида ишлаши ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиши, дам олиши, иш вақти, ҳақ тўланадиган меҳнат таътили мuddати, шунингдек, ҳар ким қариганда, меҳнат лайқатини йўқотганда, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолатларда ижтимоий таъминот олиши ҳуқуқлари қайд этилган.

корхоналар барқарор ишламоқда ва ривожланиб бормоқда. Шу асосда меҳнат муносабатларини тартибга солиш механизмини такомиллаштиришда жойларда имзоланган жамоа келишувлари ва шартномалари таъсирчанлигини ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу миллий қонунчилигимиз халқаро меҳнат ташкилотининг жамоа музокараларига кўмаклашиш тўғрисидаги конвенцияси таъмоилларига тўла мосдир. Мазкур механизмнинг такомиллашуви эса бу борадаги муносабатлар кўламининг ўсишига олиб келди. 2000 йилда 76 та тармок келишувлари тузилган бўлса, 2004 йилга келиб улар сони 90 тага

димилади ижтимоий ҳимоя қилиш борасида амалий ишлар дастури ишлаб чиқилди. Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерация Кенгаши ва республика байналмилалчи жангчи-фахрийлар Бирлашмаси ўртасида 2002-2005 йилларга мўлжалланган биргаликдаги дастурга асосан айти кунда меҳнат қилаётган байналмилалчи жангчи-фахрийлар тиббий кўриқдан ўтказилмоқда. Уларга Хотира ва Қадрлаш кўни муносабати билан моддий ёрдам юштирилмоқда, санаторийга бориб келиш йўл харажатлари қопланмоқда. Ижтимоий суғурта ҳисобидан ҳар йили 300 нафар байналмилалчи жангчилар

ИНСОН ҚАДР-ҚИММАТИ ЭНГ КАТТА БОЙЛИК

ри ҳар нарсадан улуғ” деган гоё эса нуфузли ташкилот характер дастурининг негизини ташкил этади. Қолаверса, олам гултожи ҳисобланган инсонга хизмат қилиш, уни эъзозлаш, ҳурматини жойига қўйиш Федерация ва унинг тасарруфидagi тармок кенгашларининг жонажон ишидир. Шу билан бирга касабa уюшмалари бозор иқтисодиётига асосланган жамиятимизда янги мафрура ҳисобланган ижтимоий шерикчилик тамойиллини ўз фаолиятининг ўзаги деб билмоқда. Ҳуқумат билан ижтимоий шерикчилик доирасида олиб борилаётган фикр алмасув ва музокараларда муҳим масалалар муҳокама этилмоқда. Жумладан, ҳисобот даврида ҳуқумат томонидан касабa уюшмалари Федерацияси Кенгаши иштирокида энг кам иш ҳақи, пенсия ва нафара пухта муҳофазалаш, барча соҳалардаги ислохотларни чуқурлаштириш орқали халқ фаровонлигини таъминлашдир. Зеро, касабa уюшмалари учун халқ манфаати устувор масала. Қолаверса, мамлакатимизда барпо этилаётган адолатли, инсонпарвар жамиятнинг энг катта бойлиги инсон ва унинг қадри-қимматидадир. Конституциянинг 7-моддасида кўрсатилганидек, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи эканлиги эътироф этилади.

санаторий-курортларда бепул соғломлаштирилди, уларнинг мингдан ортиқ фарзандлари болалар оромгоҳларида дам олдирилди.

Бундан ташқари, шерикчилик асосида имзоланган жамоа келишувлари ва шартномаларида меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллари ва бошқа шартлар бўйича ногиронлар, 18 ёшга тўлган шахслар, таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таҳсил олаётган ходимлар учун қўшимча имтиёзлар белгилаб қўйилган. Чўночи, ўтган Меҳр-мурувват йилида барча тармокларда жамоа келишувлари ва шартномалари орқали 952 минг 386 нафар кишига жами 13,2 миллиард сўмлик меҳр-мурувват ёрдами кўрсатилди.

Жумладан, 512354 нафар ногирон, кам таъминланган, кўп болали оилалар ва ёрдамга муҳтожларга 5,4 миллиард сўмлик тиббий ёрдам кўрсатилди ва дори-дармонлар билан боғлиқ сарф-харажатлар қопланди. Шунингдек, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 304825 нафар фарзандлари ўқув қуроллари, белгилаб қўйилган. Федерация Кенгаши томонидан мазкур тоифага мансуб шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар кўрилди. Бу борада бошқа жамоат ташкилотлари, жумладан, “Нуроний” жамғармаси, Ўзбекистон байналмилалчи жангчилар бирлашмаси, “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати билан меҳнат соҳасида ижтимоий ҳимоялашнинг кучайтиришга қаратилган амалий ҳамкорлик йўлга қўйилди. Ушбу ҳамкорлик натижасида меҳнат қилаётган ногиронлар, байналмилалчи жангчилар, фахрийлари, шунингдек, 18 ёшга тўлган хо-


А.КОДИРОВА

КЎПРИК ҚУРИЛМОҚДА

Нукус шаҳрини кесиб ўтган «Кизеткан» канали устида янги кўприк қурилиши бошланди. Шаҳарнинг икки қисмини бирлаштирувчи ушбу кўприкнинг эни 20 метр ва узунлиги 90 метр бўлиб, транспорт катнови учун барча қулайликларга эга.

Замонавий мейморчилик анъаналари асосида бунёд этилаётган ушбу иншоотни Таҳиятош шаҳар махсус йўл-кўприк қурилиши бошқармаси амалга ошираётир. Шаҳар халқа йўли қурилиши муносабати билан бунёд этилаётган мазкур кўприк икки соҳилни бирлаштирувчи учинчи иншоот саналади.

(ЎЗА)



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИДА

2005 йил 24 ноябр кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлисини 2005 йил 2 декабр кuni Тошкент шаҳрида чақиритиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси 2006 йилги Давлат бюджетининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган лойиҳасини муҳокама этиб, Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг биринчи ўринбосари Б.Ашрафоновнинг маърузасини, шунингдек Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитасининг шу масалага оид, қўмита раиси ўринбосари Э.Боқибоев томонидан таъсиф этиб берилган хулосасини тинглаб, Кенгаш Ўзбекистон Республикаси 2006 йилги Давлат бюджетининг лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси муҳокамасига киритишга қарор қилди.

Сенат ялпи мажлиси муҳокамасига Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва маъқуллаш учун Сенатга юборилган бир қанча қонунларни, хусусан «Уй-жой-коммунал ҳўжалиги соҳасида ислохотларнинг амалга оширилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини, «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 33-моддасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини, «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини, «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-моддасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини, «Тадбиркорлик субъектларига солиқ солиш ва уларнинг ҳисобот бериш тизими тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳамда бошқа қонунларни киритиш режалаштирилмоқда.

Шу масалалар билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларини таъдиқлаш, Конституциявий суд ва Олий ҳўжалик суди таркибига ўзгартиришлар киритиш, Ўзбекистон Республикасининг бир қанча мамлакатлардаги дипломатик вакилларини тайинлаш ҳамда вазифасидан озод қилиш масалаларини, шунингдек Олий Мажлис Сенатининг ваколатларига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам сенаторлар муҳокамасига киритиш мўлжалланмоқда.

Кенгаш парламент юқори палатаси кўмиталарининг тўртинчи ялпи мажлисга тайёрларлик қилиш ва уни ўтказишга доир ишларини мувофиқлаштириб боришни Олий Мажлис Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.Муҳитдинова зиммасига юклди.

КЕЛГУСИ ЙИЛ ҲОСИЛИ ТАРАДДУДИ

Амударё туманида фаолият кўрсатаётган 20 фермер ҳўжалиги жорий йилда 162,5 тонна пилла етиштирди. Шу кунларда пиллакорлар келгуси йил ҳосили учун пухта тараддул кўрмоқда. Улар мавжуд 900 гектар майдондаги тўзторларни парваришлаш билан бирга, қўшни Тўрткўл туманидан 110 минг туп янги туг кўчати келтириб, қўшимча 44 гектар тўзтор барпо этдилар.

Маълумки, Қорақалпоғистон Республикасининг иқтисодий ўсишида қўшма корхоналар фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Тўрткўл туманидаги «Тўрткўлтекс» қўшма корхонаси ҳам бу борада ўзининг муносиб ўрнини эгалламоқда.

Айти чоғда корхонада 1500 нафар ишчи меҳнат қилапти. Улар замонавий дастхоналарда чиройли, бежериш, сифатли кийим-кечаклар тикишмоқда.

Қўшма корхона йилга 2874 тонна пахта хомашёси ва 833 тонна калава илдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаради. Маҳсулотнинг саксон фоизи экспорт учун мўлжалланган.

Суратларда: тикувчи Нигора Хусайнова; бичув чеҳи бошлиги Дилфуза Олимжонова ва ишчи Ирода Ражабова.

Б.АЛЛАШЕВ

(ЎЗА) олган суратлар



Агросаноат мажмуи ходимлари касабa уюшма Қорақўл туман кенгаши бозор тамойиллари талабларидан келиб чиқиб, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Уюшма ҳисобидa 15 минг 334 нафар аъзо бўлиб, ўз атрофида 28 та бошланғич ташкилотни бирлаштирган. Ходимлар манфаати, ҳуқуқий ҳимояси, саломатлиги, оиласи, болалар ҳақида қайғуриш касабакўмлар фаолиятида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кенгаш ташаббуси билан Ижтимоий ва Мирзақалъа қишлоқда болалар спорт мажмуаси қурилиб, унга 2 мингга яқин ўғил-қиз жалб этилди. Қоразун қишлоқ фуқаролар йиғини худудидан 51 нафар спорт устаси етишиб чиққанлигининг ўзи кўп нарсани аңглатади. Бир йил ичида самбо бўйича 11 нафар спорт устаси ва ўнлаб разрядли спортчилар тайёрланди.

Қишлоқ ёшлари спортнинг минни футбол, миллий кураш, теннис ва оғир атлетика тури билан шугулланаяптилар. Касабa уюшмалари ташкилотчилигида замонавий спорт-соғломлаштириш маркази барпо этилди. Бадиий гимнастика гуруҳи ташкил қилинди.

Саноат, аҳолига хизмат кўрсатиш ва агроиқтисодиёт тизимидаги ташкилотларда Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерациясининг IV қурултойи қарорлари қизиқиш билан ўрганилаяпти. Касабa уюшма ташкилотлари ўз фаолиятларига таниқидий баҳо бериб, амалга оширилаётган ташкилотчилик ва оммавий-маданий тадбирлари дастурини тузиб чиқдилар.

Қурултойи фермер ҳўжалик-

лари фаолиятида ҳам катта аҳамият касб этади. Бозор иқтисодиёти шaroитида қаерда ислохотлар изчиллик билан амалга оширилиб, меҳнат аҳлига

ФЕРМЕР ҲЎЖАЛИКЛАРИДА КАСАБА УЮШМАЛАРИ

қулай шaroит яратиб берилса, ўша жойда яхши натижаларга эришиш мумкин.

Касабa уюшмалари фуқароларнинг энг яқин ва ишончли ҳимоячисига айланган. Мавжуд 600 дан ортиқ фермер ҳўжаликлари ва касабакўмлар ўртасида ижтимоий шерикчилик тамойилига асосланган шартномалар тузилган. Касабa уюшма ташкилотлари жамоаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг бажарилишига кўмаклашиб, илгор ташаббусларни қўллаб-қувватламоқда.

Янгибозор қишлоқ фуқаролар йиғини худудида жойлашган Аҳмад Раҳимов бошлиқ «Эргаш Раҳим» фермер ҳўжалиги бунга мисол бўла олади. 48,4 гектар ерни узок мuddатга хусусийлаштириб олган тажрибали мутахассис банқдан 18

миллион сўм қарз кўтарди. Ўнқир-чўнқир ерларни ўзлаштириб, техника воситаларни сотиб олди. Бугдoinинг ҳар гектаридан 33 ўрнига 50 центнердан ҳосил етиштирди. Шарномадагидан ортиқча 48 тонна дон аъзоларга тақсимлаб берилди. 159 тонна ўрнига 190,2 тонна пахта сотилиб, 40 миллион сўм соф фойда олинди. Устама мукофотларни истисно қилганда ҳам ишчиларнинг ойлик маоши 50 минг сўмни ташкил қилмоқда.

Уларга ўсимлик мойи, шелуха, кунжара ҳам ажратилаяпти. Ерни ардоқлаб, катта даромад кўраётган Аҳмад Раҳимов қўли очик инсон. Бултур спорт мажмуи қурилишига 750 минг, қишлоқ мактаблари таъмирини 300 минг сўм маблағ ажратди. Жорий йилда эса кўрган фойдасидан илм максаңлари моддий-техника базасини мустаҳкамлашга 1 миллион 300 минг сўм, йўллари асфальтлашга 1 миллион сўм ёрдам қилди. Қўриқдаги Отали массивидан 50 гектар ер олиб, чорвачиликни йўлга қўйди. Қишлоғидаги 15 нафар хотин-қизини «Машҳура» курсларида ўқитиб, зардўзлик, каштачилик, қандолатчилик цехларини очди.

Фермер ҳўжаликларида ишчи-

Қурултойдан кейинги ўйлар

лар тўғрисида доимий ғамхўрлик кўрсатилаяпти. Баҳридин Қорёев раҳбар бўлган жамоада аъзоларга 23 тонна дон тарқатиб берилганлиги, пахта пулидан ташқари устама мукофотлар берилаётганлиги одамлар турмуш фаровонлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатаяпти. Туманда 35 минг тоннадан ортиқ аъло навли «оқ ол-

зандларидан 204 нафарига ўқув қуроллари ва дарслиқлар олиб берилди. Яққа-ўлғиз, боқувчисини йўқотган ногиронларга 1 миллион 976 минг сўмлик озик-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийларидан 197 кишига 985 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Умуман, жорий йил бошидан бери кўрсатилган моддий ёрдамлар микдори 8 миллион сўмдан ошиб кетди. Уйда ётиб қолган қариюларга тиббий патронаж ходимлари бир-икитилган. Касабa уюшма фаоллари уларнинг аҳолидан ҳабар олиб туришибди.

Федерация Кенгаши қурултойида фермер ҳўжаликлари касабa уюшма кўмитасини тузиш таклифи ўртага ташланди. Бу айти мuddао бўлди. Чўнки вилоят ҳокимининг қарорига асосан туман бўйича тўлиқ фермерликка ўтилади. Бу эса барча фермер ҳўжаликларида бошланғич ташкилотлар ташкил этилиб, ходимларнинг иш шaroитини яхшилаш, дам олиш ва даволаниши учун ғамхўрлик кўрсатиш, моддий ва маънавий рағбатлантириш йўлга қўйилиши устидан касабa уюшмалари ўз назоратини ўрнатилиши тақозо этади.

Н.ЮСУПОВ,
Агросаноат мажмуи ходимлари касабa уюшма Қорақўл тумани кенгаши раиси

Иқтисодий салоҳияти юксак, имкониятлари беки-ёс Қашқадарёда аҳолини ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маиший, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, ишлаб чиқилган давлат дастурларининг ижросига алоҳида эътибор берилаяпти.

Атрофи тоғлар ва ўрмонлар, асрий қўллар билан ўраб олинган ширин сувли булоқлар шарқираб турган бағри кенг воҳамиз узоқ умр кўрадиган алплар юрти ҳисобланади. Худудда 100 ёшдан ошган қариялардан 500 нафари умргузаронлик қилмоқда. Кекса авлод вакиллари давлатимиз паноҳига олинган.

Кўп йиллар давомида мамлакатимиз равақи йўлида ҳалол меҳнат қилган, ҳозирги пайтда ҳам бой ҳаёт тажрибаси, маънавий фазилатлари билан эл-улусга ибрат бўлиб, ўғит-насиҳатлари билан ёшлар тарбиясига ўзларининг катта ҳиссасини қўшиб келаятган табарруқ отахону онахонлар Ватан муқофотлари билан тақдирландилар. Улар орасида Ғузор туманида истиқомат қилувчи, уч аср билан юзлашган Ражаб бобо Абдиев ҳам бор.

Миришқор туманининг Жейнов қишлоғида 115 ёшли Аваз бобо Авазов, Шахрисабзнинг Авазқили қишлоғидан 106 ёшли Абдуназар бобо Бердиев каби дуоғўй отахонлар билан фахрланамиз. Китоб туманидаги Паландар фуқаролар йиғинига қарашли Ошқом қишлоғида иккинчи жаҳон уруши фахрийси, уччала даражали "Шухрат" ордени соҳиби 83 яшар Саид ота Ниёзов яшайди. Уруш фахрийсига Россия Президенти Владимир Путин мактуб йўллаб, ўзининг қимматбаҳо совғаларини юборди. Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги фавқуллода ва мухтор элчиси Фарид Муҳаммадшин, вилоят ҳокими Нуриддин Зайниев билан бориб, отахондан кўнгил сўраб, унга узоқ умр тилладилар.

Қариси бор уйнинг париси бор, дейишди. Яқкабоннинг олис қишлоғида истиқомат қиладиган деҳқон фарзанди Қарол Махмудов 83 йиллик умрининг 60 йилини халқ хўжалигини юксалтиришга бағишлаган. Қарий 20 йил туманларда биринчи раҳбар бўлиб ишлаган. Одамлар қалбига йўл топиб, хурмат қозонган. Талабчанлики меҳр-мурувват билан қўшиб олиб борган уруш қат-

нашчиси, меҳнат фахрийси кексаларни имону-диёнати, ёшларни Ватанига садоқатли, ақли ва одобли бўлишга даъват этади.

Қарол бобо "Пахта иши" билан ноҳақ айбланиб, бир ярим йил турма азобларини чеқди. Эзгулик катро топиб, рўшноликка чиқди. Тўққиз фарзанднинг отаси, унлаб неварачева-

МЕҲР-МУРУВВАТ одамийликнинг бош тамойили

раларнинг бобоси, тиниб-тинимас ватанпарвар инсон "Хисор" хўжалигидан 180 гектар ер олиб, фермерликка қўл урди. Кам таъминланган оилалар; етим-есирларнинг бошини силайди. Яқинда нафақасидан 100 миң сўмини туман марказий шифохонасининг тез тиббий ёрдам бўлимини жиҳозлаш учун ҳада қилди.

Етмиш ёшли Назар бобо Жўраевни чирокчиликлар беҳад эъзозлашади. Умр йўлдоши Мастура момо Отамуродова билан 51 йилдан бери аҳил ва иноқ турмуш кечираётган пирубадавлат отахон хонадонидан 11 фарзанд, 56 неварача, ун нафар чевара камол топмоқда. Умр зарварларини ҳалол меҳнат билан безаган эл қайвониси қарилликка тан бергани йўқ. Оила аъзолари билан "Ёқут" фермер хўжалиги ташкил қилиб, пахта, галладан мўл-ҳосил етиштириб келаяпти.

Ўзларининг фидойиликлари билан аҳоли хурмати сазовор бўлган Исом Жалилов, Маннон Самадов, Нурмаат Рустамов, Иброҳим Очилов, Ҳайитмурод Фармонов, Очил Тошев, Жўра Ушназаров, Ҳақимжон Усмонов, Январ Иноятов сингари юзлаб қариялар ҳозирги дори-лом кунларга шукроналар айтиб, бахтли ҳаёт гаштини сурмоқдалар.

"Сихат-салома тлик йили" давлат дастурида кексаларнинг соғлом ва муносиб турмуш кечириши, пенсионер, ногиронлар ва алоҳида парваришга муҳтож кишиларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш учун шарт-шароитлар

яратиш асосий вазифа қилиб қўйилган. Ҳозирга қадар республикамиз сиҳатгоҳлари ва Семашко номидаги илмий текшириш институти шифохонасида 2200 га яқин фуқаро ўз соғлигини тиклади. Ҳомийлар маблағи ҳисобидан 60 нафар ногиронга жароҳлик амалиёти ўтказилиб, сунъий кўз гавҳари қўйилди. 179 нафарига протез-ортопедия махсулотлари тайёрлаб берилди. 180 дан зиёд ногиронлар аравачаси, кўплаб эшитиш мосламалари ва бошқа воситалар тарқатилди. "Саховат" ва "Мурувват" уйла-

налари сотиб олинди. Биргина Яқкабобдаги "Саховат" уйига компьютер техникаси, музлатгичлар, шкаф, стол-стул, "Дамас" автомашинаси ва бошқа хўжалик жиҳозларини олиш учун бюджетдан 24,2 миллион маблағ ажратилди.

Ҳомийлар томонидан озик-овқат, дори-дармон ва кийим-кечаклар олиб беришга 8,4 миллион, мукамал таъмирлашга 26,4 миллион маблағ берилди. Ана шундай имкониятга Шахрисабз ёллар "Мурувват" уйи ҳам сазовор бўлди. Қарши шаҳридаги болалар Мурувват уйига 18,4 миллион сўмлик қаттиқ-юмшоқ жиҳозлар, ногиронларни реабилитация қилиш марказига 13,7 миллион сўм маблағ ажратилиб, замонавий кондеңионерлар ва "Дамас" автомашиналари олинди.

Ногиронлар ўртасида спорт мусобақалари ўтказилиб, голиблар вилоят маданият ва спорт ишлари бoshқармаси, Қизил Ярим ой жамияти, хомийлар томонидан 600 миң сўмлик қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Нафақажўр ва ногиронларни кўллаб-қувватлашда қасаба уюшмалари вилоят кенгаши, Ногиронлар, Кўзи оғизлар, Байналмилалчи жангчилар жамиятлари, "Соғлом авлод учун", "Болалар", "Нуроний", "Маҳалла", "Меҳр-шафқат ва саломатлик" жамғармалари, "Каунтерпарт интернейшнл", "Ворлд Концерн", "АДРА", "Самаритняз



ИККИ ДУНЁ САОДАТИ

Туманимизда вояга етмаган 755 нафар киши бор. Уларга ҳар ойда нафақа тўлаб келинмоқда.

"Косондон" масъулияти чекланган жамияти, "Болалар" жамғармаси хомийлигида 20 дан ортиқ кам даромадли оилаларнинг фарзандларига суннат тўйи ўтказилди. 47 нафар ногирон болаларга хомий ташкилотлар томонидан 560 миң сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Вояга етмаган ўғил-қизлардан Бобур Қодиров, Қазабек Раҳмонов, Дилбар Муртозаева, Флора Хамроева кабилар ногиронлик аравачалари, Анара Ҳаққулова, Абдумалиқ Абдураҳмонов, Жаҳонгир Жўраев сингарилар протез-ортопедия буюмлари билан таъминландилар.

Ҳайр-саховат ишлари туманининг Мўжагул, Месит, Нуртчиқур, Арабхона маҳаллалари, Бойғунди, Оброн, Пулати, Гувалак фуқаролар йиғинларида айниқса, яхши йўлга қўйилган

Ш.ҚУРБОНОВ,
Косон тумани ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи

МУСТАҲКАМ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Қашқадарё вилояти

ёки ҳар бирига ойига ўртача 14 миң сўмдан моддий ёрдам берилган. Кам таъминланган ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилалари, боқувчисини йўқотган ҳамда бошқа тоифадаги муҳтож фуқаролардан 19,7 миң кишига 777,7 миллион сўмлик хомийлик ёрдами уюштирилди.

Бошқарма тизимидаги "Саховат" ва "Мурувват" уйлари, ногиронларни реабилитация қилиш марказини таъмирлаш ва моддий техника базасини мустаҳкамлаш тadbирларига 165 миллион сўм маблағ сарфланди, қаттиқ-юмшоқ жиҳозлар, "Дамас" автомаши-

нари, "Энгранг", "Он-нури", ва "Норт Вест" каби халқаро инсонпарварлик ташкилотлари яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар. Вилоят ҳокимининг қарорига асосан Қизил Ярим ой жамияти учун хайрия маблағи тўплаш оялиғи ўтказилиб, тушган маблағ савоб ва эзгу ишларга сарфланяпти.

А.ГАВАШОВ,
Қашқадарё вилоят меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофазаси қилиш бoshқармаси бошлиғи

ни йўқотганлик пенсияси билан таъминланган Қосим Холиқовлар ҳам Юртбошимиз ва ҳукуматимиз томонидан берилган имтиёзлардан баҳраманд бўлаётганликлари учун бениҳоя мамнун.

Туманимизда аҳолини ижтимоий ҳимоялашга эътибор кучайтирилган. Ўзгалар ёрдамига муҳтож ёлғиз кекса-

ди. 24 нафар пенсионер республика меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш вазирлигига қарашли сиҳатгоҳларда, 26 нафари қасаба уюшмалари тасарруфидоги санаторийларда даволаниб келди.

Яқинда ногиронлик аравачаси билан таъминланган "Наврўс" фуқаролар йиғинидан Абдурахмат Курбонмуродов, "Навбахор" маҳалласидан Гулнора Гулдурова ва Турсунтош Зебароваларнинг аҳолидан хабар олинди, кўнгил сўралди. Бундан ташқари вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш бoshқармаси томонидан ажратилган 60 донга кийим-кечаклар кам таъминланган оилалар фарзандларига тақдим этилди.

Инсонпарварлик ёрдами уюштиришда Талимаржон ГРЭСИ қурилиш бoshқармаси, "Маҳалла" хайрия жамғармаси, "Ишон" қоракўлчилик наслчилик кооператив ширкати хўжалиғи, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими ва бошқа хомийлар фаол қатнашишмоқда.

Ф.БУЗРУКОВА
Нишон тумани ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи

ҚАЛБ КЎЗИ БИЛАН

Кўриш бахтидан бенасиб бўлган инсонлар дунё неъматларини қалб кўзи билан идрок этадилар. Кўзи оғизларни ижтимоий муҳофазаси қилиш кўнглида инсонийлик тўғрисидаги кўш урган ҳар бир кишининг муқаддас бурчидир. Шу боис вилоятимизда уларга доимий ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Ногиронлар тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказилиб, 48 нафарига соғлигини тиклаши учун сиҳатгоҳларга йўлланмалар берилди. 115 таси офтомолог шифокорлар назоратидан ўтди, кўриш қобилияти пасайган 10 нафарига сунъий кўз гавҳари қўйилди.

Кўзи оғизларнинг ақлий тафаккурини оширишга жиддий эътибор берилаяпти. Қарши шаҳридаги болалар мактаб-интернатидан ўғил-қизларнинг таълим-тарбия олишлари учун барча қўлайликлар яратилган. Катта ёшдагилар учун кўшимча машғулотлар ташкил этилиб, Брайль ёзуви ўргатиляпти.

Жамият ҳисобидидаги 7 та клуб, 10 та кутубхона, маданият ва услубият, маънавий ва маърифат марказлари ногиронларга намунали хизмат кўрсатмоқда. Саховатли юртдошларимиз бизларни моддий ва маънавий жиҳатдан кўллаб-қувватлаб, савоб ва хайрли ишларга бош қўшиммоқда.

Хал этилиши лозим бўлган вазифалар ҳам бор. Масалан, почта, алоқа, спорт, коммунал-маиший хизмат, уй-жой шароитларини яхшилашда мутасаддилар кўмағига муҳтожмиз.

Р.АҲМАТОВ,
биринчи гуруҳ ногирони

ПЕНСИОНЕРЛАР СОҒЛИГИНИ ЎЙЛАБ

"Сихат-салома тлик йили" давлат дастурида аҳолининг ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор берилган. Хусусан, пенсионер ва ногиронлар соғлигини мустаҳкамлаш, уларга тиббий, санаторий-курорт ва муносиб ҳаёт кечиришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш соҳасида ибратли ишлар амалга ошириляпти.

Туманда 21 миң 443 нафар пенсионер ва боқувчисини йўқотган фуқаролар бўлиб, уларга ўтган ойларида 4,8 миллион сўм пенсия ва нафақалар тўланди. Қариялардан 63 нафари мамлакатимизнинг "Оптиарик", "Товоксой", "Косонсой", "Қашқадарё соҳили" каби сиҳатгоҳларда даволаниб келишди. 12 нафар вояга етмаганлар хомийлар ва халқаро инсонпарварлик ташкилотлари томонидан ногиронлик аравачаси билан таъминландилар. Мадина Ҳамидова, Шоҳрух Самиев, Шоҳсанам Қиёмова, Аббос Алимов сингари ўғил-қизларга ногиронлик аравачаларнинг берилиши уларнинг кўнглини тоғдек кўтарди. Айни пайтда туман халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда 84 нафар ногирон болалар уйда ўқитиляпти.

С.ҒОЙИБНАЗАРОВ



ТАДБИРКОРНИНГ САВОБЛИ ИШЛАРИ

Тўлкин Тиловоғлар оиласи ўзларининг тadbиркорлиги, доимо эл қорига яраб савоб олган оилалардан бири. Тўлкинжон бш бўлсада, узоқ йиллардан буйи ишламасдан ётган «Оқ олтин» пахта тозалаш очик хиссалдорлик жамиятига қарашли профилактика туширишга мубоффақ бўлди.

У ака-укалари билан бирлашиб биноларни капитал таъ-



мирлади, эшик-даразаларига шарқона тус берди. Сиҳатгоҳ ховлисига катта айвон қуриб, дам олувчилар учун мириқиб чой ичадиган чорпоқлар қўйилди. Атроф-ҳудуд анвойи гуллар ва доврахатлар билан қопланди. Сиҳатгоҳ хорижда тайёрланган меҳнелар билан таъминланди, телевизор, радио ишлаб турибди.

50 кишига мўлжалланган даволаш масканида физиотерапия, парафин ва бошқа даволаш хоналари ташкил этилган. Бу ерда журак-қон томир системаси, гипертония, стенокардия, кардиосклероз, журак парогли, дистония, неврология, ҳаракат аъзо-

лари, остеохондроз, артрит, полиартрит овқат ҳазм қилиш органи касалликлари ва бошқа сурункали индометрит билан оғриган беморлар даволанмоқда.

Сиҳатгоҳда беморларни яхши даволаш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бу ерда вилоят, республикадан санъаткорлар вақти-вақти билан келиб хизмат қилишмоқда. Шу ернинг ўзига ички касалликларга аниқ ташхис қўювчи чет эл аппарати ишлаб турибди. Катта тажрибага эга бўлган кардиолог врач Ҳамдан Холмирзаева етакчилигида Сайёра Мажидова, Шаҳноза Ахорова, Чарос, Дилфуза Тиловова каби шифокорлар келган беморларни соғайишида сидқидилдан меҳнат қилишмоқда. Муҳим жиҳати шундаки, кекса беморлар Бегмат Нормуродов, Иброҳим Раҳимов, Сайёра Келдиёрова, оёқ, қўл, бел оғриқлари билан келиб кўлтиктаққларини ташладилар. Шодмон Бозоров, Ирис Хушвақтова каби онахонлар ошқозон, ўт касалликларини билан келиб шифокорларини айтиб, шифокорларга миннатдорчилик билдирмоқдалар.

Х.ТўРАЕВ,
меҳнат фахрийси
«САХОВАТ» УЙИДА

Йигирма йилдан бери фаолият кўрсатиб келаятган «Саховат» уйида 155 нафар қария

НОГИРОНГА ДАВЛАТ СОЯБОН

ланганига 60 йилдан ошди. Нишон қишлоғида яшайдиган меҳнат ва уруш фахрийси эндиликда кўшимчалар билан ҳисобланган 76 миң 610 сўм пенсия олади.

— Халқ хўжалиғида ишлаганига қарийб ярим аср бўлди, - дейди Пахтаобод қишлоғида яшовчи Уриш Бобо Муродов. - Меҳнат фадойилигим ва фронт ортида ишлаганим учун кўшимча ва имтиёзлар билан 1 октябрдан бошлаб оладиган пенсия микдори 47 миң 91 сўмга етди. Бундай ғамхўрликдан миннатдорман.

Кўп болали она Мунаввара Йўлдошева, умумий қасаллик бўйича ногирон Абдулла Жўраев, уч-болага чин етим сифатида боқувчисини

лар, етим-есирлар, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчи оилаларига хомий ташкилотлар, тadbиркорлар, фермер хўжаликлари раҳбарлари бириктириб қўйилган. Уларга йилнинг ўтган ойларида 14 миллион сўмлик мурувват ёрдами кўрсатилди. 49 нафар нафақажўрга транспортда имтиёзли фойдаланиш учун 585 миң сўм маблағ ажратилди. 408 нафар вояга етмаган болаларнинг ҳар бирига 15 миң 505 сўмдан ижтимоий нафақа пул тайинилди, ёгаларига вақтида етказиляпти. 4 кишига ногиронлик аравачаси, 15 нафақажўрга протез ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситалари тарқатил-

ди. 24 нафар пенсионер республика меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш вазирлигига қарашли сиҳатгоҳларда, 26 нафари қасаба уюшмалари тасарруфидоги санаторийларда даволаниб келди.

Яқинда ногиронлик аравачаси билан таъминланган "Наврўс" фуқаролар йиғинидан Абдурахмат Курбонмуродов, "Навбахор" маҳалласидан Гулнора Гулдурова ва Турсунтош Зебароваларнинг аҳолидан хабар олинди, кўнгил сўралди. Бундан ташқари вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш бoshқармаси томонидан ажратилган 60 донга кийим-кечаклар кам таъминланган оилалар фарзандларига тақдим этилди.

Инсонпарварлик ёрдами уюштиришда Талимаржон ГРЭСИ қурилиш бoshқармаси, "Маҳалла" хайрия жамғармаси, "Ишон" қоракўлчилик наслчилик кооператив ширкати хўжалиғи, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими ва бошқа хомийлар фаол қатнашишмоқда.

Яқинда ногиронлик аравачаси билан таъминланган "Наврўс" фуқаролар йиғинидан Абдурахмат Курбонмуродов, "Навбахор" маҳалласидан Гулнора Гулдурова ва Турсунтош Зебароваларнинг аҳолидан хабар олинди, кўнгил сўралди. Бундан ташқари вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш бoshқармаси томонидан ажратилган 60 донга кийим-кечаклар кам таъминланган оилалар фарзандларига тақдим этилди.

Н.ҚУРБОНОВ,
Яқкабобдаги «Саховат» уйи директори



